

*Зухро СИРОЖЕВА*


# **Кўз нуримни қайтаргин**



“Бухоро” нашриёти-2005 й.

Зухро Сирожева! Меҳрли қалб эгаси. Унинг беғубор қалби доимо юксаклик сари парвоз этади. Самимиятни ёқтиради. Самимий инсонлар даврасида бўлишдан ўзини бахтиёр сезади. Яхши, оқкўнгил юртдошларини мадҳ этишни ўзининг инсонийлик бурчи деб билади. Хиёнат ва риёкорликни ёқтирмайди. Мурғак, беғубор юраги ижодининг ойдин йўллари сари шижоатли парвоз қилишга шай. Зухро қалбидан тўкилаётган ҳар бир мисрада дард бор, армон бор, нурли келажакка юксак ишонч бор. Ёш шоира Зухро Сирожева исботга муҳтож эмас. У ўзининг дардли мисраларини келажакка бўлган юксак ишончи билан ўзини исботлаб бўлди. Мен бу шоира қизимизга юксак ижодий парвозлар ва оппоқ нурли келажак тилайман. Келажакда элни суюкли забардаст шоираси бўлишига ишонаман.

Аъзам ЎРОКОВ.



## ДАРДЛИ ДУҚИЁ

Мен Зухро Сирожева 1986 йилда Бухоро тумани, "Маданият" жамоа хўжалиги, "Сарҳаг" қишлоғида туғилганман. Ўн олти ёшгача деҳқон оиласида беғубор болалик гаштини суриб яшадим. Ногаҳон бошимга тушган бир фалокат бутун ҳаётимни ўзгартириб юборди. Ўшандан буён ҳаётим дардга тўла. Эндиликда дардларим шеър, ҳикояларга кўчмоқда.

Ўша кун умрбод хотирамдан чиқмаса керак. Ёз кунларининг бири эди. Тонгда туриб, рўзғор ишларига урнаб юргандим, аммам келиб қолдилар. У киши мендан далага чиқиб, ишларига ёрдамлашишимни сўрадилар. Мен аммамни хафа қилмаслик учун рози бўлдим. Онам кўнгиллари бир нохушликни сезгандай боришимга қаршилиқ қилдилар. Биз йўлга тушдик. Мен ҳар бир битирувчи синф ўқувчиси орзу қилгандай мактабни тугатиб, олийгоҳларда ўқиш хаёли билан борардим. Орзуларим бир олам эди. Ногаҳон биқинимдан урилган зарбадан учиб кетганимни биламан холос. Кейин беҳуш йиқилибман. Бир неча соатдан кейин касалхонада ўзимга келдим. Қишлоқ йўли тор эмасми, олдиндан бир "Жигули", орқадан трактор келаётган эди. Велосипедда келаётган бир йигит улардан қочиб мени уриб юборибди. Бошим қаттиқ жароҳатланган экан, уч соатга яқин операция қилишибди.

Қаттиқ оғриқдан инграб, кўзимни очдим. Э, воҳ, ёруғ олам мен учун зулматга айланган эди. Ҳеч нарсани кўрмасдим. Кўрқиб кетиб, ойижон, деб йиғладим. Ёнимда опам, укам ўтиришган экан. Улар онамнинг бу фалокатни кўтаролмай қон босимлари ошиб, йиқилганларини айтдилар. Онамнинг асли саломатликлари яхши эмасди. Шунда худодан, майли менга қанча дард берсанг чидайман, сабр қиламан, фақат онамнинг умрларини узоқ қил, деб ўтиндим.

Оллоҳимнинг инояти билан онам тузалиб қолдилар. Мен эса уч ой касалхонада ётдим. Ҳар иккала кўзимни бир неча маротаба операция қилишди. Ниҳоя бир кўзим кўрадиган бўлди. Шу орада қишлоқда кўп миш-мишлар тарқалибди. Айримлар мени "ўлди" деб эшитиб, қора кийим кийиб, таъзияга

келишибди. Баъзилар “Зухра умрбод кўр бўлиб қолди”, деб гап тарқатишибди.

Албатта бу оғир дардни енгиб оёққа туриш осон бўлмади. Айни кунда ижод ҳаваси менга барча оғир синовларни, ҳаёт машаққатларини енгишда мадад бўлмоқда. Агар қуйидаги машқларим сиз, азиз, ўқувчиларга манзур бўлса ўзимни ниҳоятда бахтиёр ҳис этардим.




## Т А Қ Д И Р


Адолат опа билан кўз касалликлари шифохонасида танишдим. У аёлнинг гўзаллиги диққатимни тортди. Опа ҳақида кўпроқ билишни истаб, оилангиз ҳақида гапириб беринг, деб сўрадим.

Шунда бирдан унинг кўзлари жиқ ёшга тўлди, гўзал чеҳраси тундлашди. Мен уни хафа қилганимга хижолат бўлиб, узр сўраб, кетмоқчи бўлдим.

—Йўқ, сиздан хафа бўлганим йўқ. Кетманг, зора дардимни айтиб энгил тортсам,—деди у йиғлаб ва аста мунгли оҳангда бошидан ўтказганларини ҳикоя қила бошлади:

—Мен ёлғиз, эрка қиз эдим. Болаликдан журналист бўлишни орзу қилардим. Шу ниятда яхши ўқиб, мақсадимга етдим. Талабалик бахтига мушарраф бўлдим. III курсга ўтганимда мени синфдошим Шавкатга катта тўй-ю томоша билан узатишди. Бир-биримизга зимдан меҳр қўйиб юрганлигимиз учун ниҳоятда бахтиёр эдик. Тўйдан кейин ўқишни давом эттириш ниятида пойтахтга йўл олдик. Ўқиш ташвишлари, оилани тиклаш югур-югурлари билан 2-3 йил ўтиб кетди. Бу орада боламиз бўлмаганлиги барчани ташвишга сола бошлади. Айниқса Шавкат шуни баҳона қилиб, кўп жанжал кўтарадиган бўлди. Қайнона-қайнотам эса у кишини тергаб, менга тасалли берардилар.





Саккиз йил фақат орзу-умид билан яшадик. Маҳалла-куйдан анча таъна-дашном ҳам эшитдик. Ниҳоят оху-зорларимиз Оллоҳга етдими, мен ҳомиладор бўлдим. Энди қувончимизнинг чеки йўқ эди. Ой-куним етиб, ўғил кўрдим. Уни еру кўкка ишонмасдим... Афсус умри қисқа экан. Бор-йўғи саккиз кунгина оналик бахтини сездим, холос... Ҳеч қачон тақдирим шунчалик аччиқ бўлади, деб ўйламагандим.

Э, воҳ... Касалхонадан чақалоқни бағримга босиб, бахтиёр ота-она бўлиб қайтаётганимизда автоҳалокатга учрадик. Турмуш ўртоғим ва чақалоғим ўша даҳшатли дақиқаларда ҳаётни тарк этдилар.... Мен эса миям қаттиқ чайқалганидан бўлса керак, ҳеч нарсани кўрмай қолдим... Энди биттагина армоним бор, у ҳам бўлса кўзларим очилса-ю, турмуш ўртоғим ва ўғилчамнинг қабрларини зиёрат қилсам, дейман...—дея маржон-маржон кўз ёш тўқди у.

Адолат опанинг аянчли қисматини эшитиб, вужудим музлаб кетди. Унинг сабр-тоқати, иродасига қойил қолдим. Чин юракдан бу бағриқон аёлнинг кўзларига қайта нур ато этишини Оллоҳдан сўрадим.




## БАҒРИҚОН ОЧА

Ҳар бир қиз ота-онасининг суюқлиси бўлишни истайди. Мен синфдошим Заринани ҳам шундай бахтли қизлардан деб ўйлардим. Аммо у ўқув йили яқунланай деганда мактабга келмайдиган одат чиқарди. Ўқитувчимиз билан уни кўргани бордик.

Дарвозани тақиллатганимизда, қошларини чимириб онаси чиқди-да, Зарина уйда йўқ, энди у мактабга бормайди, деб, кетмонини кўтариб, боғ томон кетди.

Биз бу аёлнинг муомаласидан ҳайрон бўлиб қолдик. Зарина



уйдаги муаммоларини ҳеч кимга айтмас, сира нолимасди. Кейин билсак у дардларини ичига ютиб юрган экан. Ўқитувчимиз отаси билан гаплашиб, уни мактабга қайтардилар.

Бир куни адабиёт дарсида "Оналар—муқаддас зот" деган мавзуда иншо ёздик.

Ўқитувчимиз Заринанинг иншосини ўқиб бердилар. У барча дардларини қоғозга тўкибди.

Заринанинг ёзишича, у оилада учинчи қиз бўлиб, унинг туғилишини онаси истамаган экан. Зарина ва Зафар эгизак бўлиб, туғруқхонадаёқ онаси ёлғиз ўғил—Зафарга алоҳида зътибор бера бошлабди. Аяган кўзга чўп тушар, деганларидай Зафар бир ёшга тўлмай, касал бўлиб вафот этибди. Шу-шу онаси ҳар куни Заринани "Аканг ўлганча сен ўлсанг бўлмасмиди?!" деб хўрлар, урар экан. "Мен фарзанд бўлиб ҳеч қачон онамнинг кучоқларида эрқаланмаганман. Бирор марта янги кийим киймаганман. Менга онам байрамларда ҳам опаларимнинг эски кийимларини кийдирадилар. Майли, шунга ҳам розиман. Фақат ўқишимга шароит яратиб берсалар бўлди... Менга фақат ширин сўз ва она меҳри керак..." деб ёзганди дугонам. Ҳаммамиз унга ачиниб йиғладик. Синфимизда унинг қариндоши ҳам ўқирди. Шу бола бориб Заринанинг онасига "қизингиз сизни ёмонлаб иншо ёзди", деб айтибди.

Заринани онаси уриб, сўкиб, кун бермабди. У йиғлаб, эзилиб юрди. Орадан кўп ўтмай фожиага учради. Формасини дазмол қиламан деб, электр симдан ток уриб, ўн олти ёшда вафот этди.

Синфдошлар уни сўнгги йўлга кузатишга бордик. Онаси ўзини тўрт томонга уриб, шундай нола-ю фиғон қилар эдики, унга қараб йиғламаган ҳам йиғларди.

Мен эса у шу топда қизига чин юракдан ачинаяптимикиан, ёки унга меҳр беролмаганига пушаймон бўлиб армон қилаяптимикиан, дея ўйлардим.

## АРМОҶЛИ ДУҶЌЁ


Эсимда бор, қиш кунларининг бири эди. Ўқишдан келаётган чоғимда ёнимдан жилмайиб сочлари узун, гўзал бир қиз ўтиб кетди. Ўшандан бошлаб ҳаётим ҳам ўзгарди. Ҳар куни у ўтган йўлдан ўтиб турардим. —У ҳам менга бефарқ эмас экан. Бир-биримизга меҳр қўйиб юрдик. Мен олийгоҳда ўқирдим. У эса коллежда ўқирди. Унинг туғилган кунига севги изҳор қилдим. У жуда бахтиёр эди. —Ўшандан бошлаб, мен ҳам дунёдаги бахтли инсонга айландим. Тўнғич ўғил бўлганим сабабли онам: "Ўғлим, сен ҳам балоғат ёшига етгансан, сен қатори тенгдошларинг фарзандли бўлган. Сени ҳам тўй қилай. Ўғлим биласан-ку, мен ҳам дардли одамман, келин қилсам, анча енгил, тортаман", деб кулиб қўйдилар. Ойижон, мен розиман, ёқтирган бир қизим бор, у ҳозир ўқияпти, билмадим унинг уйдагилар менга рози бўлармикан. Улар бизнинг тенгимиз эмас, ота-онаси катта жойда ишлайди. Ахир бизнинг оила оддийгина-ку.

—Ойижоним кўнглимни кўтаришни истаб, уларнинг уйига совчиликка бордилар. Аввалига кейинги ҳафта келинг, ўшанда жавобини айтамыз, дейишибди. Ҳафта ўтиб, яна бордилар. —"Бизни кечирасиз, якка-ю ягона қизимизни қишлоққа узатмаймиз. Сиздан илтимос, кўрпангизга қараб оёғингизни узатсангиз бўлмайдами". —Бу гапларни эшитиб, жаҳлим чиқиб кетди, ахир қизларининг бахти мен эмасми? Уни чин юракдан севаманку, нима қилишимни билмай, Лайлонинг ёнига бордим. Лайло мени кўриб қувониб кетди. Мунгли оҳангда Адҳам ака, мени кечирасиз, энди ёнимга келманг, биламан, мен ҳеч қачон сиздан воз кечолмайман. Аммо ота-онамнинг сўзларини қайтарсам, улар сизни, айбсиз айбдор қилиб қамашар экан. —Биласиз-ку, мен буни кўтаролмайман, деб ҳушсиз йиқилди. Нима қилишимни билмай касалхонага олиб бордим, шифокорларнинг айтишича, Лайлонинг юраги касал экан, 2-3 кун беҳуш ётди. —Ёнига борсам, ота-онаси мени уриб, сўкиб ҳайдаб юборди. Уйга келсам онам ҳам касал бўлиб қолибдилар. У кишини касалхонага ётқиздик, —Оллоҳга шукрона айтаманки,

ойижоним тузалиб чикдилар. Лайло ҳам соғайди. Кундан кунга уни соғиндим, уни кўриш учун ёнига бордим. Лайло мени кўриб хурсанд бўлди. Иккаламиз анча суҳбат қилиб ўтирган эдик. Шунда акаси билан дўстлари келиб мени калтакламоқчи бўлди. Лайло қўрқиб кетганидан учинчи марта юрак хуружига йўлиқди. Тезда касалхонага бордик. Шифокорлар энди Лайло осонгина бу касалдан халос бўлмаслигини, уни жарроҳлик йўли билан даволашни айтишди. Ота-онаси бу сўзларни эшитиб, мени қарғаб: қизим сен учун шундай ҳолга тушди, дея бақираётган чоғида ҳамшира аёл келиб:—опажон, ахир нима учун икки севишганларни ажратмоқчисиз, қарғагунча худодан гулдай қизингизнинг умрини сўрасангиз бўлмайдим, деб ичкарига кириб кетди. Ҳамшира аёлнинг сўзларидан таъсирланиб ўрнимдан туриб, Лайло ётган хонага кирганимни билмай қолдим. Қарасам, аста-аста нафас олаяпти. Йиғлаб э худойим, бағри тош эмассанку, жонимдан ортиқ севган Лайлойимни қайтар, нега уни жонини олаяпсан? Менга соф муҳаббат ато этиб, энди уни мендан йироқлаштирмоқчимисан, деб Лайлонинг кўлидан ушладим. Қарасам гижимланган бир қоғоз, унда эса:

Ҳурматли Адҳам ака, мактубим кўнглингизни оғритар эҳтимол, илтимос хафа бўлманг, инсон зоти бу дунёдан ўтса, унинг руҳи яқин кишилари билан бирга бўлади, агар мен ҳам тирик қолмасам, менинг руҳим доим сиз билан, деб ёзилганди. Хатни ўқиб, кўзларим ёшга тўлди, э худойим, Лайлодан мени айирма, агар уни жонини олсанг, мени ҳам жонимни ол,—деганимни биламан,—Лайло кўзларини очди. Кўзларимга ишонмай, қувониб кетдим. Адҳам ака, деб жилмайиб қўйди. Икки-уч ой даволанди, уни ёнидан жилмадим. Буларни барчасини ота-онаси кўриб, муҳаббатим чин эканлигини билди, бир неча ойдан сўнг тўйимиз бўлиб ўтди. Дунёда биздан бахтли инсон йўқ эди, бир йил ўтиб Лайло она деган бахтга мушарраф бўлди. Худодан қиз сўраган эдим, аммо севганимнинг ўрнига эмас, Лайло икки кунлик қизимга оналик меҳрини бера олди холос, нишона қизалоғимга ҳам ота, ҳам она меҳрини беришга ҳаракат қилдим, онам бечора





қизалогимни оқ ювиб, оқ тараб қизимни катта қилдилар. Барча чақалоқлар илк бора она деса, менинг қизим ота деб айтди. Уни кўриб ўксиниб кетаман. Онаси бўлганида қани деб, қалбимни чуқур ҳис этаман. Кўз очиб юмгунча орадан етти йил ҳам ўтиб кетди. Бу вақт эҳтимол кимгадир қисқа бўлиб туюлар, аммо мен учун вақтнинг ўтиши қийин кечди. Яратганга шукроналар айтаманку, қизалогим мактабда ўқияпти. Уни кўриб, ширин ва аччиқ хотиралар қалбимни тирнайди.



## ДУЛДАҲИ АРМОҶ

Севгилим, наҳотки сен мени ташлаб кетган бўлсанг? Ишонгим келмайди, ахир кеча кўришган эдик-ку, эсингдами, ўша бахтли кунларимиз бир-биримизга ваъда берган эдик. Нега энди ташлаб кетаяпсан? -Мен сени жуда соғиндим. Ҳар куни бўш вақтимни топдим дегунча, қабрингни зиёрат қиламан. Худди сен йиғлама дегандай бўласан. Айт, қандай йиғламай, бағримни тилка-пора қилиб кетдинг-ку.

—Бахтли кунларимиз ҳамон ёдимда. Баҳор эди ёнимга жилмайиб сен келдинг, ўшандан бошлаб ҳаётим ўзгариб кетди. Ҳар кун сени кўришни истар эдим. Уйинг ёнидан ўтганимда юрагим сенга талпинар эди. Илк бора севги изҳор қилганимда дунёда мендан бахтли инсон йўқ эди. Бу қувончим узоқ давом этмади.

—Ўқишдан келаётган чоғимда осмонни булут қоплади, ёмғир ёға бошлади. Юрагимда нохушлик сездим. Билмадим, нимагадир кўнглим ғаш бўлаверди, кўнглимнинг нохушлиги бекорга эмас экан. Қишлоққа келсам, ота-онам қайғуга ботган. Мени кўрган одамлар индамай ҳол-аҳвол сўраб, орқамдан тикилиб қоларди. Икки-уч аёл бошига оқ рўмол ўраб олганди. Акажон, ким дунёдан ўтди? деганимни биламан, акам шошиб Акбар ота ҳаётдан кўз юмди, дедилар. Тез бўлгин, сени икки-уч ҳафта шаҳарга акамни уйларига қўйиб келаман. У ўқишига ҳам яқин деб кўндирмоқчи бўлдилар. Ҳайрон бўлиб қолдим.

Ҳар кун сўраганимда унаштирилган қиз уйдан чиқмайди, деб жаҳл қилдилар. Нима қилишимни билмай, акажон, бир дақиқа тўхтанг, яқин ўртоғимни уйдан китобни олиб келай, деб чиқаётганимда мени маҳкам кучоқлаб, йиғлаб юбордилар. Уларни кўз ёшини кўриб ҳайрон бўлиб қолдим. Уйдагилар билан аразлашиб қолдингизми? Нима бўлди? Нимага индамайсиз? деб уларни кўз ёшини артдим.

—Мени кечир, сенга ёлғон гапирдим. Биласанми, энди Зафар йўқ, у электр токи таъсирида, оламдан бевақт кўз юмди. Қулоқларимга ишонмадим.

—Акажон, ўйлаб гапиряпсизми? Нега Зафар йўқ экан, мени ҳеч қачон алдаб кетмайди. Ўзингиз биласизку, унаштирилганимизга ҳам бир йил бўлаяпти, худо хоҳласа, тўйимиз ҳам бўлади, деб жилмайиб қолдим. Шунда Зафар ҳаётдан кўз юмди деб, юм-юм йиғладилар. Қандай акамнинг кучоқларидан чиқиб Зафар акамни уйларига чопиб борганимни билмайман. Борсам ҳамма нолаю фиғон кўтараяпти. Гулмира ая бир чекада йиғлаб, болам деб кўкракларига урардилар. Чопиб бориб, уларни кучоқларига ўзимни отдим. Қизим йиғламагин энди, Зафар қайтиб келмайди, деб менга таскин берардилар. Мана бу воқеага ҳам беш йил бўлибди. Уйимизга нене совчилар келмади, ҳаммасини рад жавобини бердим. Яқинда Зафар акамнинг ўртоқлари Фарруҳдан келишди. Йўқ деб уларни қайтардим. Аммо, Гулмира ая (севгилимнинг онаси)нинг ўзлари келдилар. Жон қизим, биласан Зафар яккаю ягона ўғлим эди. Ундан ажралиб қолганимдан сўнг ўғлим деб Фарруҳни уйга киргиздим. У ҳам ёлғиз, яқинлари йўқлиги сабаб меникига яшашга кўнди. Оллоҳга шукроналар айтаманки, у мени ўз онасидай билади. Кечаю кундуз кўнглимни кўтаришга ҳаракат қилади. Уйимизга яшаётганига тўрт йил бўлди. Энди уйланиш вақти ҳам келди. Сени ҳар доим келин деганман, энди шу ниятимга етай, жон қизим. Йўқ демагин, Зафарни севганинг ҳақи деб болам кўз ёшларни мендан бириқдилар. Ўйлаб, рози бўлдим. Тўй ҳам бўлиб ўтди. Орадан бир йил ўтиб, яқинда фарзанд кўрдик. Ўғлимни исмини Зафар қўйдим.

Ҳурматли Фарруҳ ака, ўғлимизни исмини Зафар қўйишни истаб, сизнинг юрагингизни оғритиб қўйдим. Биламан, мен ҳеч қачон Зафар акамни унутолмайман, сиз бардошли инсонсиз, мени кечирасиз деб умид қиламан. Нилуфар!...



## **ЙИҒЛАМАГИН**

Сизни согинганда боролмадим,  
Энди афсус на ҳожат бугун?!  
Сизни эслаб ҳеч тополмадим  
Юрагимда изтироб бутун.

Тақдирми бу, қисматми айтинг?  
Хижроннинг доғлари ювилмас.  
Ҳузуримга бир зумга қайтинг  
Акс ҳолда армон қувилмас.

## **КҮНГЛИМ**

Кўнглимэй, кўнглимэй, кўнглим  
Муҳаббатсиз йиғлайди дилим.  
Кўнглимэй, кўнглимэй, кўнглим  
Бир йигит йиғлар ўксинар дилим.

Муҳаббатдан сархуш эди у,  
Кўнгил қўймадим алп йигитга.  
Айтае девона кўнглим  
Йигит йиғлар булоқ бошида.

Кўнглимэй, кўнглимэй, кўнглим  
Муҳаббатсиз йиғлайди дилим.  
Кўнглимэй, кўнглимэй, кўнглим  
Бир йигит йиғлар кўча бошида.

Мактублар ёздим унга  
Ака деб такрор ва такрор  
Айтай мен ошиқ йигитэй  
Муҳаббатсиз йиғлайди дилим.

Куз баргидай сарғайди дилим,  
Йиглаб битдим ушбу шеърим.  
Хазон бўлди атир гулим,  
Онажон нега ташлаб кетдингиз.

## **СОҒ-ОМОНМИСИЗ АЗИЗ ДАДАЖОН**

***Зайниддин Сирожовга бағишланган.***

Сиз ўтган йўл жаннатдир,  
Босган қадамингиз ҳимматдир.  
Мўътабар улуғ номингиз бор,  
Соғ-омонмисиз азиз дадажон.

Дўстлар даврасида бўласиз шодон,  
Бизни соғиниб юрасиз паришон.  
Биз ҳам соғиндик сизни шу он,  
Соғ-омонмисиз азиз дадажон.

## **БУХОРОНИНГ ҚИЗЛАРИ**

Гўзалликда тенги йўк,  
Оқила, доно, сўқсур,  
Севганидан кўнгли тўк,  
Севгисига ишонур.

Йигитлар шайдо, мафтун,  
Бухоронинг қизларига.  
Янграган кулгуси-ю,  
Жон ҳузур сўзларига.

Бухоронинг қизлари,  
Бири-биридан барно.  
Исми жисмига монанд,  
Латофат, Гулсум, Раъно...



Шу боисдан айтгим бор,  
Ишонтириб сизларни.  
Бутун дунёда танҳо  
Бухоронинг қизлари.

Ёз кунларин қўмсайман қишда,  
Қишда эса соғиниб ёзни.  
Кундалик иш юриш-туришда  
Ҳар қадамда кўргайман сизни.


Айтинг нечун хомушсиз нега  
Жилмаймоққа топмайсиз имкон.  
Сизга атаб шеърлар битганимда  
Чин кўнгилдан қувнайсиз қачон?

Кутар эдим сизни бетоқат,  
Ҳар кузда, ҳар баҳор фасли.  
Келмасангиз ҳаттоки ёз ҳам  
Хўмраряди қиш бўлиб асли.

Кутар эдим сиздан мактублар,  
Дил соғинчим ўтиниб сўраб,  
Афсус мени унутиб улар,  
Ўзга дилни қолганди қўмсаб.

### **ХОТИРА** **(Акам Фарҳодга бағишланган)**

Ойлар ўтди, кунлар ўтди  
Юрагимда орзулар армон бўлди.  
Кўзларимда маржон ёш оқди,  
Фарҳод ака қайдасиз?



Не-не синовларга бўлдим бардош  
Ой, юлдуз милтирар куёш.  
Юрагим бўлди-ку тош,  
Фарҳод ака қайдасиз?

Сингиллик меҳрин бердим,  
Бошингизни силаб дуо қилдим.  
Бўлолмадим дардингизга малҳам,  
Фарҳод ака қайдасиз?

Бугун орзуларим армон бўлди,  
Кўз ўнгимда суратингиз қолди.  
Укажон деган сўзларингиз қолди,  
Фарҳод ака қайдасиз?

Бир лаҳза сизни унутолмадим,  
Сизга бир сўз айтолмадим.  
Меҳрингизга тўймади ташна юрагим,  
Фарҳод ака қайдасиз?

Сиз юрган йўлдан ўтаман,  
Унутмай йиглаб куяман.  
Сизга атаб шеърлар битаман,  
Жойингиз жаннатда бўлсин акажон!

Оллоҳдан сўрайман илтижо қилиб,  
Акамни руҳини шод қил арши-оллоҳга.  
Майли ўтсин бу кун ғам бўлиб,  
Аммо акам жойи бўлсин жаннатда.

## **ТАРК ЭТМОҚ ИСТАЙМАН УЙИНГИЗ БИР ОН**

Дилимга титроқни солган соғинчдир,  
Оталик меҳридан жўш урган тугён.  
Юрагим вужудим титрайди зир-зир,  
Тарк этмоқ истайман уйингиз бир он.

Бамисли Кумушдай севгидан сармаст,  
Балоғат ёшида завқли шодмон.  
Бугун тақдиримга гўё қасдма-қасд,  
Тарк этмоқ истайман уйингиз бир он.


Оппоқ фотиҳангиз аяманг мендан,  
Фотиҳа бахт учун азалий имкон,  
Сиз мудом иззатим ҳурматимдасиз,  
Тарк этмоқ истайман узр отажон.

## **БИЗГА ИШОН ОНА ВАТАН**

Биз сенинг фарзандларинг,  
Биз сенинг дилбандларинг.  
Зарур бўлса эй Ватан  
Сенга фидо жону-тан.

Бизга ишонсанг бўлди,  
Бахтиёрмиз ҳур энди.  
Айтармиз такрор-такрор,  
Бизлар сенга мададкор.

Ал-Бухорий, Нақшбанддан  
Сўз айтмоқ бўлса чиндан.  
Олам кулар мафтун лол,  
Биз ёшлармиз баркамол.





## **ЁЛГИЗ**

Сизга кўнглим сизга қаргишим,  
Мени ташлаб ўзга топдингиз.  
Бу дунёда менинг хатоим,  
Сизни дедим фақат ёлғиз.  
Адашдим орзу йўлидан,  
Муҳаббатда берилдим ҳижрон.  
Сиз доим менга армон,  
Айтинг, айбим нима сиз.  
Гарчи ёлғиз бўлсамда,  
Умидларим сўнмайди ҳамон.  
Гарчи сизни доим кўмсамда  
Муҳаббатим сақлайди ОМОН.

## **АЗИЗИМ ОНАМ**

*Гулнора Болтаевага бағишланган.*

Бир парча эт эдим ўстирди онам,  
Вояга етказди асло ўкситмай.  
Дунёга боққанда илк бор бешиқдан  
Бўлурми онага айтинг талпинмай?

Оналарни эъзозланг эй дугоналар,  
Буюк зотлар шунга мудом муносиб.  
Онани эъзозланг ой, қуёш қадар,  
Қошида бир умр парвона бўлиб.

Яратган эгамдан минг бор сўраб,  
Онамни асрашни тилайман бедор.  
Шеъримни меҳрингга минг бор уриб,  
Кўшиқлаб тутгум бор такрор ва такрор.



**АЗИЗ УСТОЗИМГА**  
**(Муқаррам Ҳожиёвага бағишланади).**

Элликдан ошгансиз синовни излаб,  
Каттаю кичикни доим сизлаб.  
Фарзандларингиздай бизни эъзозлаб,  
Сизга таъзим, азиз устозим.

Қоп-қора сочлар оққа айланган,  
Юзига қарилик нуруни сочган.  
Шогирдлар кўнглидан жой олган,  
Сизга таъзим азиз устозим!

\*\*\*

Ниятларинг эди беҳисоб  
Наҳот улар барчаси сароб  
Ўз уйингда бўлдинг меҳмон  
Тупроқ узра этдинг макон.

Барчамизни йиғлатиб қон.  
Кетдингми сен жаннат томон.  
Сен ётибсан аслида қулиб  
Юрагимнинг парчасин юлиб

Бу кўчанинг эркаси эдинг  
Ким чақирса лаббай дер эдинг  
Тўярмикан ер сен билан танҳо  
Борайми айт сен билан барно.

Айт ўғлим Ҳасан қандай юради.  
Укам қани дея дилдан қуяди  
Кўзларимда қолмади ҳеч ёш  
Сени соғиниб қолмади бардош

Тўққиз кун-у тун айтишга осон  
Сен олишдинг ажалинг билан.  
Ҳусен номига туширмадинг доғ  
Жойинг жаннатда бўлсин болам.

*Зухро СИРОЖЕВА*

# **Кўз нурымни қайтаргин**

**“Бухоро” нашриёти**

|                |                                 |
|----------------|---------------------------------|
| Муҳаррир:      | <b>Садриддин Салим Бухорий.</b> |
| Тех. муҳаррир: | <b>Ўткир Ибодуллаев.</b>        |
| Мусахҳих:      | <b>Махбуба Холова.</b>          |

Теришга берилди 27.11.05 й. Босишга руҳоат этилди 5.12.05 й.  
Босма табағи 125. Буюртма 2756. Нусхаси 220.  
“Бухоро вилоят босамаҳонаси” МЧЖ И. Мўминов кўчаси 27-уй.